



ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 213 (20. 780)

1990 йил 18 сентябрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин.

ЕР ЭКМАТАН, ЧОРВА БОҚМАГАН ДЕХҚОН ДЕХҚОНМИ

Бундай юмушларни қотириб қўяётган азамат пахтакорларни, соҳибкорларни, чорвадорларни эъзозлаб

бошини силаб, чинакам меҳр-оқибат кўрсатайлик!

Жумҳуриятимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун улар қатори ғайрат-шижоат билан ишлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир!

• ПАХТА

• ХАҚ НАҚД

Ўзбек ноҳияси хўжаликлариди пахта йиғим-терими суръати тобора ошмоқда. Умумий сафарбарлик туфайли 8 мингдан зиёд киши далага чиқди. Ҳар бир теримчининг кунлик терган пахтаси ўртача 90—95 килограммга ўғри келмоқда.

Шу кунларда дала гвардиячилари учун қизгин палла бошланди. Ҳозирча ноҳияда 70 та терим агрегати ишламоқда. Лекин бу жуда оз. Машина теримига ажратилган майдонларда 200 дан кўпроқ терим агрегати иш-

лаши мўлжалланмоқда. Ушанда бугунги уч фонзлик кунлик суръат 4—5 фонза кўтарилади.

Пахтакорларнинг кайфияти чоғ. Иш унумли бўлаётир. Терган пахтаси ҳақини нақд олишяпти. Йиғим-теримда Карл Маркс номи, «Халқ-обод» жамоа хўжаликлари, «Рассвет», Майна Ҳасанова номи давлат хўжаликлари пешкадамлик қилишмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони»
мухбири.

• КУНИГА 6 ФОНЗДАН

Элликкалча ноҳияси жамоа хўжаликлари бу йил камида 42 минг тонна пахта топиришмоқчи. Айни шу кунларда колхоз ва совхозларда пахта терими ёппасига бошланди. Дастлабки ҳисобини «Москва», Оқунобоев номи совхозлар, «Ўйқўз-обод», Ленин номи, Калинин номи, «Ленинград» колхозлари пахта тозалаш заво-дига топиришди.

Айниқса, уруғчиликка ихтисослаштирилган Оржоникдзе номи жамоа хўжали-

гида ҳар йилдан ҳосил мўл етиштирилади. Хўжаликда бир кунда йиллик режанинг 5,5—6 фонзи миқдориди пахта терилмоқда.

Ноҳия пахтакорлари умумий ҳосилнинг 65—70 фонзини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган. Дефоляция қилинган майдонларда машина терими бошлаб юборилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони»
мухбири.



Косон районидagi Ленин номи совхоз миришкорларининг жорий йилдаги марраси аниқ — олти минг тонна пахта тайёрлаш. Айни кунларда хўжалик далаларида иш қизибди. Пахтани оммавий териб бошлаб юборилди. Чевар теримчиларининг ҳар бири кунга 200—220 килограммдан пахта териб кирмонга тўкишяпти. Маскур хўжаликнинг Э. Бобоқуллов етакчилиги қи-

лаётган бригадаси пахтакорлари ҳам ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишга ҳаракат қилишмоқда. Қўл теримида Дилрабо Отақуллова ва Орзул Тўлағанова илгорлик қилишяпти. Улар мавсумда 5 тоннадан пахта теришга аҳд қилишган. Суратда: Д. Отақуллова ва О. Тўлағанова.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

• ШОЛИ

ЎРИМ ҚИЗГИН

Жумҳуриятимизнинг жанубий районларида шולי ўрими қизгин паллага кирди. Етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, сақлаш ва қайта ишлашга эътибор кучайтирилади. Шолкорларнинг ҳам меҳнат ютуқлари тақки эмас.

Шимолӣ вилоятларда ҳам шולי ўрими қизиб кетди. Бу соҳада Хоразм вилоти дала меҳнаткашлари ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Рўзномамиз сураткаш мухбири В. Молга-чев вилотнинг Богот рай-онига иккунчи командиров-ка билан борди. Шолкорлар қаёти билан танишиб, улар-ни суратга туширди. Су-ратнаш мухбиримизнинг таассуротларига қараганда «Богот» давлат хўжалиги-да иш намунади ташкил этилган. Шонавар Матёқ-убов бошлик бригада хўжа-ликидаги мусобадада ил-горлигини қўлдан бермапти.

— 160 гектар майдонга шולי экиб, уни ёз бўйи парваришладик, — дейди Ш. Матёқубов. — Шу са-бабли шולי мўл. Аҳдими

46 центнер эди. Ҳосил чў-еига қараб, белгиланган маррадан ўзиб нетишни кўнгилмизга тугиб қўйдик. Ҳар гектар ердан 55 цент-нердан ҳосил олишни кў-залаймиз. Ўтган йили Хо-разм воҳасида биринчи бў-либ маррага етгандик. Бу йил ҳам ҳамкасбларимизга намуна кўрсатамиз.

Бригада жамоасида 60 ки-ши ишлайди. Улар ахил-иноқ. Айниқса, оилавий пуд-ратчилар кирмонга барана киритишяпти.

Сиз суратда «Богот» дав-лат хўжалиги ижарачи аз-золаридан: В. Алимов, А. Бобоқонов, бригада бошли-ги Ш. Матёқубов, Т. Мах-мудов ҳамда қўманданчи К. Сафаровларни шолзорда кў-риб турибсиз. Хирмонни-гизга барана, азизлар!



Мулоҳаза, таклиф, истаклар

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Рўзномамизнинг энг кўп муштарийлари Фарғона вилотидадир. Уларнинг сони 1990 йилда салкам 110 минг кишини ташкил этди. Вилотдаги энг кўп обуначилар эса Ўзбекистон (11 минг), Киров (10,5 минг) ноҳияларида истиқомат қилишади. Фарғоналик ўқувчиларимиз аксарияти, гарчанд, рўзнома-мизнинг нархи сезиларли ошган бўлишига қара-май, «Совет Ўзбекистони»га обуна бўлишни қи-згин бошлаб юборишди.

Муҳарриратимиз ходимларидан бир гуруҳи ақинда Фарғона вилоти ноҳияларида бўлишиб, муштарийлар билан дил суҳбатлари ўтказишди. Қуйида сиз шу сафар чоғида билдирилган ижобий, танқидий фикр-мулоҳазалар, истак ва таклифлар билан танишасиз.

Илгарилари танқидий ма-қолалар, фелетонлардан ке-йин уларнинг оқибати ва кў-рилган чоралар ҳақида кейин-ги сонларда маълум қилинар-ди. Афсуски, бу тажриба де-ярли сўйиб қолди. Кучли тен-қид, фелетонлар кўпайса, Шунга яраша қўрилган чор-аларни ҳам ўқиб борсак.

Яна бир мулоҳаза. Гўл ва Ивановларнинг пахтакорлар бошига солган савдолари ҳа-қида материаллар кам. Негат К. АБДУРАЖИДОВ, Ўзбекистон район ремонт ишлаб чиқариш корхонаси слесари. (Давоми иккинчи бетда).

ФУТБОЛ

ҒАЙРАТ ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Халқимизнинг бундай до-но нақли «Пахтакор» фут-болчилари шанига ҳам ай-тилгандек. Севимли коман-даси кейинги ўйинлари муваффақиятли ўтказиб, ор-зу йўлида дадил қадамлар қўймоқда.

Жумҳуриятимизнинг ҳар бир касб соҳибини унинг иқ-тисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида янги-ча қадам ташлаётган экан, футболчиларимизнинг ўйин-лари ҳам унга ҳамоҳанг бў-лиши тарафдоримиз. Мусо-бақанинг иккинчи давраси-даги учрашувларида май-донда дадил ҳаракатлар кў-зага ташланиб, очколарни қўлайтиришга интилиш кай-фияти баландлиги сезил-моқда. Шундай экан, орзу ораулигича қўлиб кетмасин. Севимли ўйин мухлисари-нинг ишончи оқланиши ке-рак. Бунинг учун футболчи-ларимизда етарли имконият, жисмоний баркамоллик, ўзига хос ўйин услуби бор.

Якшанба куни Ўзбекис-тоннинг бош командаси Тю-мень шаҳрида «Геолог» футболчиларининг меҳмони бўлди. Жадвалининг даст-лабки ўйинида ҳол олиб турган мезонлар ҳал қи-лувчи иккинчи даврани му-ваффақиятли ўтказишмоқ-да. Бу сафар улар «Пахта-кор»ни ҳам доғда қолди-ришмоқчи бўлишди. Пах-такорчилар ҳам бўш келиш-мади. Хўжумлар ҳар икка-ла команда дарвозабонлари ва ҳимоячилари томонидан қайтарилди. Дарвозалар дахлсизлиги сақланди. Меҳ-монлар бир очкони қўлга киритиб, турнир жадвалида-ги учинчи ўринларини мус-таҳкамлаб олишди. Ҳозир футболчиларимиз ҳисобида 39 очко бор.

Кези келганда футбол ишчибозларининг кўнглига тугиб қўйган яна бир иста-ги бор. Жумҳурият пойтах-тидаги бош ўйингоҳ тейор-қилишга шайланса, ма-роқли ўйини кузатиш учун ўриндиқлар жойи

кўпайтирилса, Ишчибоз ўйингоҳга кўп келса, фут-болчиларга мадад бўлиши табиийдир. «Пахтакор» ҳам ишчибоз олқишига, унинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлаверди.

Олий лига бўсағаси яқин-лашяпти. Ғайрат камарини

Спартак	17	8	4	54-21	42	сельмаш	8	8	13	27-41
Метал- лург	15	10	4	43-20	40	Зенит	7	10	12	30-32
Пахтакор	16	7	6	53-33	39	Қайрат	7	9	13	28-38
Шинник	15	6	8	41-28	36	Кубань	8	6	15	21-39
Локомотив						Кузбасс	4	5	18	17-37
Динамо М	12	9	7	31-22	33	Мавлалық				Челпаннатыр
Динамо Сх	13	6	10	37-30	32	32-тур				уйиналарда куйып
Динамо Сх	11	7	9	21-23	26	ҳисоблар қайт қилинда: «				рия» — «Ростсельмаш» —
Нефтьчи	10	9	9	39-33	29	«Тирас» — «Динамо» (Сх)				— «Зенит» — «Спартак» —
Нистру	10	9	10	31-34	29	1:0, «Кубань» — «Факел»				— «Таврия» — «Факел» —
Геолог	10	8	11	27-28	27	0:0, «Динамо» (Сх) — «Ло-				комотив» (Н) — 2:2, «Зенит» —
Таврия	7	13	9	26-28	27	«Металлург» — 0:0, «Нефть»				— «Нистру» — 1:0, «Шин-
Факел	10	7	12	31-37	26	«Қайрат» — 2:0, «Спар-				так» — «Локомотив» (Н) —
Котайк	9	8	12	31-33	26	«Котайк» — «Кайрат» —				«Таврия» — «Факел» —
Локомотив										
Нистру	8	10	11	28-40	26					
Тирас	8	9	12	21-36	25					

Х. НОСИРОВ, Х. СУЛТОНОВ.

бушаштирма, «Пахтакор»! Сени яна жиддий синовлар кутаяпти. Ўз майдонингда ўтказиладиган тўрт учрашув натижаси жадвалдаги ўйинлар масаласини ойдинлашти-ради: «Кузбасс», «Локомотив» (М), «Спартак» ва «Котайк» футболчилари билан ўйинларга ҳақиқий спортчасига шайлан! Мақсад йўлида тер тўксанг, муро-динга етарсан!

• ҲОДИСА

СОМОНБОЗОРДА

Ўтган якшанба кунини 16 сентябрда Тошкент ша-ҳар Собир Раҳимов райони-даги Сомонбозорда соат 16 да ёнғин чиқди. Бу ерда асосан бузилган иморатлар-дан чиққан ёғоч-тахталар, эски дўкончалар ва иморат-лар кўп эди. Бир зумда олов катта майдонга ёйилиб, Лан-гар кўчасидаги бозорга ту-таш турар-жойларга ҳам ўт-ди.

Тўрт дақиқада ҳодиса рўй берган жойга иккунчи ўт ўчи-риш машинаси ётб келди. Аммо уларнинг кучи етарли эмас эди. Теъда уларнинг ёнига 16 та машина қўшил-ди.

Шу пайтда ут минг квад-рат метрдан ортиқ майдон ловуллаб ёнар эди. Еттига турар-жой биносига ўт туш-ди. Кечқурун соат олти ярим-дагина ўти ўчиришга му-ваффақ бўлинди. Тошкент шаҳар иккунчи комитети Ич-ни ишлар бошқармаси Ёнғин-дан муҳофаза бошқармасидан хабар қилишарча, «беш минг квадрат метрдан зиёд майдондаги 13 та турар-жой

биноси, Сомонбозордаги ёғоч-тахталар ва иморатлар ёниб қул бўлди. Хайриятки, одам-ларга шикаст етмади.

Ўт нимадан чиққанлиги текширилмоқда. Тошкент шаҳар иккунчи ко-митетида ёнғиндан азият че-кан кишиларга ёрдам бериш билан шуғуллануши штаб ту-зилди. Штабга шаҳар иккунчи комитети раисининг ўринбоса-ри Р. Ҳимматуллаев бошчили-ки қилди.

— Шолчинлар ёрдам бериш масалалари кўриб чиқилди. — деди Рўзи Ҳимматуллаев. — 28 оила бошпанасиз қол-ган. Одамларнинг бир қисми-ни ҳозирча мактабга жойлаш-тириш, баъзиларини қарин-дошлар ва қўшинлар ўз ба-рига олди. Зарар кўрганларни вақтинчалик фойдаланиш учун эмас, балки доимий яшаш учун квартиралар билан таъ-минлаш мақсадида шаҳар уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бошқармаси билан Собир Раҳимов иккунчини бу ишга жалб қилди.

Азият чеккан кишиларга моддий ёрдам берилади. (ЎЗАТ).

ОЗУҚА МЎЛ БЎЛАДИ

Жиззах вилотининг Фориш райони механизаторлари тадбиркорлик билан иш тутиб, пичанзорлардан 35508 тон-на дағал-хашак тайёрлашди. Бу билан улар қишлоғида ҳозирлик кўриш режасини 111 фонзага удалашди. Бун-дай муваффақиятларни қўлга киритишда райондаги Ильич номи, Омонқелди, Карл Маркс номи, «Арсаной», «Чим-қўрғон», «2-Фориш» ва «Қизилқум» давлат хўжаликлари-нинг механизаторлари мусибоб улдуш қўлишди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19008 тонна кўп демакдир. Карл Маркс номи совхоз чорвадорлари сенаж тайёр-лашда пешкадамлик қилишди. Чорвадорлар 1750 тонна ўрнига 5958 тонна ана шундай маҳсулот тайёрлаб бу бо-радаги режани анча ошириб удалашди. Совхозда ҳозир-гача 14560 тонна ем-хашак тайёрланиб, ғарамланди. У. ДОСТОНОВ.

• ЧОРВА

ГЎШТ—БАРҚАРОР НАРХЛАРДА

Бозорларда қўй ва ко-ромоларнинг қимматлашиб кетганлиги аҳолини гўшт би-лан таъминлашни мураккаб-лаштирмоқда. Қўқон шаҳар иккунчи комитети кооператив савдо идораси билан бирга-ликда гўшт етиштиришни кў-пайтириш ва аҳоли эҳтиёжле-рини қондириш юзасидан тад-бирлар ишлаб чиқди.

Боқимчи истовчиларнинг барчаси учун чорва моллари акратиб бериш шундай тад-бирлар жумласидандир. Кооп-ератив савдо идораси уй фермаларини озуқа билан таъ-минлаб туришни ўз зим-масига олди.

Шаҳар гўшт дўконларида ҳо-зир қатъий нархлар белгилан-ган. Бу нархлар кооператив савдо идораси билан шаҳар иккунчи комитети бераётган қаралар ҳисобига бир меъра-да ушлаб турилибди.

(ЎЗАТ).

• Ғамхўрликка жавобан

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Қурилиш-монтаж бошқармачиси Андижон вилоятидаги ирригация шохобчалари, саноат корхоналари ва турар-жой бинолари қурилишини олиб бормоқда. Ҳар бир қурилиш шу кун талаблари асосида ташкил этилмоқда. Ишчи-хизматчиларимиз зиммага олган мажбуриятларини ҳамма ошариб бажаришяпти.

Авалло шуни айтиш кераки, инсон омили муваффақият гарови бўлаётди. Бунинг учун ҳар бир ишчи-хизматчи иш ўрнида ҳалол ишлаши ва мароқли дам олишига эътиборни қаратяпмиз. Ишчи-хизматчиларимиз фарзандлари учун 140 ўринли болалар богчаси ишлаб турибди. Бошқармачи ишчиларнинг ўғил-қизлари бу ерда бепул тарбияланаётди.

Ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнат таътилига чиқиш пайтида бир ойлик маоши миқдорига қўшимча маблағ ажратилапти. Уларни пенсияга кузатишга эса бир йўла 10 маош миқдорига қў-

шимча пул берилляпти. Бу ҳар бир ходимни ўз иш ўрнида фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда.

Биз 1990 — 1995 йиллар давомида иккига 32 хонали турар жой бинолари, 20 та 40 минг сўмлик коттеж, 1 миллион 200 минг сўмлик спорт комплекси ва бошқа кўпгина қурилишларни олиб борамиз. Шу йилнинг ўзида темир-бетон буюмлари цехи фойдаланишга топширилади.

Пенсия ҳақини шу йилнинг 1 июнидан бошлаб 20 фоиз оширдик. Бу, ташкилот маблағи ҳисобидан тўланапти. Хизмат тўғрисида бўлган эътибор қозongan 61 ишчи-хизматчи яққа тартибда уй қуриш учун томор-қалар ажратиб берилди. Бу ишларни амалга ошириш учун 200 минг сўмлик узоқ муддатли қарз берилди. Уй қураётган ҳар бир ишчи-хизматчимиз қурилиш материаллари билан таъминланмоқда.

Қурилиш-монтаж бошқармачиси фидокорона меҳ-

нати билан донг таратаётган ишчиларимиз кўп. СССР Давлат муқофоти лауреати Ёқубон Марасулов, Солибува Каримов, Ақром Бобоматов, Бахтиёр Бегмонов, Розик Турсунов, Гофур Қодиров сингари ишчиларимиз смена топшириқларини ошириб бажаришяпти.

Булоқбошидаги ипак йиғирув фабрикасини шу йилнинг ўзида ишта туширишга ваъда берганмиз. Бошқа кўп биноларни ҳам ўз вақтида фойдаланишга топширишга эришмоқчимиз.

Яқинда Япониянинг учта фирмаси билан шартнома тузишга эришдик. Шартномага асосан улар бизни гишт заводи, цемент ишлаб чиқарадиган заводнинг технология услулари билан таъминлашди. Бу корхоналарда ишлаш учун юқори малакали инженерларни ўз вақтида тайёрлашга киришганмиз.

И. ТУҶИБОВ,
Шахрихон шаҳар қурилиш-монтаж бошқармачиси бошлиғи.

ТАРҒИБОТЧИ

ПАХТАКОРЛАР

ҲУЗУРИДА

Жумҳуриятимиздаги барча касб эгалари пахтакорларга қўмақлашмоқда. Қишлоқ жойлардаги маданий масканларнинг ҳодимлари пахтакорлар ҳузурига тез-тез ташриф буюришяпти. Ташвиқотчиларнинг иш ҳам жонланди.

Ташвиқотчилар бу йил ўз суҳбатлари мавзусини кенгайтиришди. Пахта учун оширилган ҳақ ҳамма жойда жорий этилаётганлиги ҳақида суҳбатлар айланиб, ҳақ-жонли кечмоқда.

Ленинград районидаги Охунбобоев номи колхоз дала шийпонларида меҳнатчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Қўндалик матбуот нашрлари келтириб турилади. Пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш доимий эътиборда. Хўжалик аъзолари бу йил режадаги 28,9 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олишмоқчи. Бир қунда йиллик режанинг 3,5-4 фоизи миқдорда пахта тайёрланаётди.

Бош ҳисобчи Эрали Ҳусанов айтиш чоғда оғзаки сўз устаси, тарғиботчи. У колхозчилар ҳузурида тез-тез суҳбатлар уюштириб туради. Маҳаллий радиостанциялар орқали ҳам тингловчилар эътиборини қозонган.

Жамоатчи мўхбир Т. ҲАМРОҚУЛОВ тарғиботчи Э. Ҳусановни Охунбобоев номи колхоз 11-бригадаси аъзолари билан суҳбат ўтказиб, қонда суратга туширди.

• Мулоҳаза, таклиф, истаклар

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қайта қуриш шарофати халқ қалбига чўкиб ётган эътиросларни тўқилантириб юборди. Бу эътирос тўқилари баъзан миллий низолар шаклида ҳам намоён бўлиб қолётгани жуда ташвишли ҳолдир. Миллатчилик бу шундай ҳалокатли жерки, у бир неча халқни бирданига ўз қолмига тортиб кетиши, маҳв этиши мумкин. Миллатчиликнинг тур ниқобларида ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам унинг аниқ бир қиёфасини англаб олиш мушкул бўлаётди. «Совет Ўзбекистони» бу йўлда яхши ишлар қилаётди деб айтиш мумкин. Рўзноманинг ҳар бир жўласи, ҳар бир сўзи миллатлараро дўстликни мустақамлашга янада самарали хизмат қилишини истарди. «Совет Ўзбекистони» доимо халқлар орасидаги кўприк бўлиб қолаверсин.

А. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон район ремонт ишлаб-чиқариш корхонаси директори.

Савдодаги чайковчиликлар ҳақидаги материаллар кам. Савдо ташкилотларига, магазинларга рейдлар уюштирилса, бу соҳага доғ тушираётган аниқ кишилар рўзнома саҳифасида сазойи қилиб берилсин.

Мана ўзимиз гувоҳ, магазинларда сиргет ҳам, оқ қанд ҳам, гуруч ҳам бор. Бироқ яшириб қўйиладди. Танниш-билишга ортиқча нарх билан сотиладди.

О. МАДУМАРОВ,
А. АШУРАТОВ,
«Қўқон» совхозы марказий ремонт устaxonаси ходимлари.

Газета саҳифаларида қишлоқ хўжалик ходимлари ҳаётини дабдаба билан ёритиш иштиёқи кучли. Ҳозир ҳам баъзан шундай бўляпти.

Жумҳуриятимиз ер ости бойлиқларидан умумийтўқмақ мақсадлари йўлида фойдаланиш тартиблари ва муаммолари ҳақида ҳам жиҳдий чиқишлар қилиниши керак.

Ҳ. ОТАБОВ,
Киров номи 9-мактаб директори ўринбосари.

Ер, томорқа ажратишда кўпгина қийинчилик ва камчиликлар бор. Шунга эътибор берилса, Халқимизнинг ҳақиқий иқтисодий аҳолини акс эттирувчи материаллар кам эълон қилинапти.

З. НАЗАРОВ,
Х. ЖУРАЕВ,
Шўрсув кон-киме ишлаб-чиқариш брiгaдaсaсaи ишчилари.

Ўзбекистонда содир бўлаётган кўпгина воқеалар, аynиқaсa фoнoвaвий ҳoдiсaлaр ҳaқида мaркaзий мaтбoутлaр илгaрiрoқ хaбaр бeрaди.

Жумҳуриятимиздаги барча матбуот органлари, шу жумладан «Совет Ўзбекистони» ҳам кўпчида бу янгиликларни эскириб улгурган ёритади. Узининг рўзномаларимиз шу маънода илдамлашларимиз зарур.

Ҳануз мақолалар ҳажми катта. Спорт мавзусига кам жой ажратилляпти.

М. ВАЛИЕВ,
Бирпашма касаба уюшмаси раиси.

Олишбеганига ҳам эътиборни қўйиш зарур.

С. АСҚАРОВ,
Киров ноҳияси «Коммунист» рўзномасининг муҳаррири.

Сир эмас, халқимизнинг ҳуқуқий саводи анча паст. Бунинг оқибатида кўп тушунмовчиликлар келиб чиқяпти. «Афгон идоси» мақоласи анча кечикиб чиқди. Маълум бўлишча, ҳаётда даврида ҳалок бўлган аскарнинг туғишгани ар-

миз» руқунлари мунтазам чиқиб турса. Энди эришроқ тўйла ҳам бир гап. «Совет Ўзбекистони» рўзномаси эски ўзбек ақиббосида ҳам чоп этилса кўп савоби иш бўларди.

Н. ЮНУСОВ,
устахона инжениери.

Жамоаимизда ҳаммаси бўлиб уч юздан ортиқ одам ишлайди. Утган йили корхонамизда 300 киши «Совет Ўзе-

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

«Совет Ўзбекистони» маҳаллий матбуот органлари учун маёқ вазифасини ўтайди. Вилоят, ноҳия газеталари шу рўзномага қараб андоза олади, қадам ташлайди. Бизнинг газета ходимлари ҳам қийин ҳолатларда «Совет Ўзбекистони» таҳлилларида маънавий ҳаётга, воқеа ва ҳодисаларни ёритишда, кишилар ҳаёти, жамият тақдирини ҳақида фикр юритганда, «Совет» маълумоти, аниқлиги, босқинчи, маърифи келганда салобатли бир шиддат бизни лол қолдиради.

«Оқланганлар» руқунини айни мuddaо бўлди. Энди оқланганларни жазога мустаҳик этган қонунчилар қандай жазо

миёга олинмас экан. Бизда бунга амал қилинмади. Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга диққатни қўйиш зарур.

Миллатлараро муносабатларга ҳам эътибор зарур даражада эмас. Қирғизнинг ўзбеки, ўзбекининг тожикка, тожикнинг қозоққа, қозоқнинг туркманга меҳрини товлантирувчи гаплар камайиб кетди.

У. ИСКАНДАРОВ,
Киров номи давлат хўжалик ремонт устaxonаси электрчи, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Рўзномага 60-йилдан бундан олуна бўлмади. «Одобнома», «Мерос» саҳифалари «Оқланганлар», «Қадриятлари»

костини»га ёзилиб, районда биринчиликни олган эдик. Бу йил бутун жамоамиз билан обуна бўлишга аҳд қилдик. Рўзномага ёзилган бир қатор ишчиларимизга обуна баҳосининг маълум қисминини корхона ҳисобидан тўлаш, меҳнатда намуна бўлаётган кишиларимизни эса бепул обуна қилиш ниятидамиз.

Энди истакларга келсак, айрим журналистлар Фарғона воқеалари муносабати билан йигитларимизга наваҳадан, арокхўр, экстремист деган асоссиз ёриқлар ёпиштиришди. Бундан жамоатчилик ниҳоятда даргазоб бўлди. «Совет Ўзбекистони» келгусида ана шундай уришилларга зарба берса. Эски иллатларни қовлатишга бериш ҳам фойда йўқ. Яхши-яхши гаплар, яхши-яхши ниятлар даври ҳам келди деб ўйланамиз.

О. ОРТИҚОВ,
«Яккатуслемаш» заводи директори.

«Совет Ўзбекистони»ни севиб ўқийман. Ўзгариб, ўсиб борапти. Нархи ошса-ошма албатта ёзилган. Тилангиз шукки, унинг саҳифаларини одоб-ахлоқ, хотин-қизлар ҳаёти, ифтихори, ибратли оилалар, байналмилалчи жаңчилар тақдирини, қадимий урф-одатларимиз ҳақида жозибали ёзилган мақолалар кўпроқ ўрин олсин. Фантастик асарларга ўғай кўз билан қаралмаса, бозор иқтисодиётининг тўб муаммолари ҳақида соддакор тил билан сўз юритилса дейми.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
шу корхона участка бошлиғи.

Э. КАБИРОВ,
бош механик.

О. ХОЛМУРОДОВ,
байналмилалчи жаңчи, ишчи.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

15 сентябрь куни Кремльда А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Мамлакат халқ хўжалигини барқарорлаштиришга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар дастури ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш режасини муҳокама қилиш иштини уюштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Иқтисодий ислохот масалалари комитетининг раиси В. М. Вологин Олий Совет комитетларида ва унинг палаталарида, доимий комиссияларида бу ишнинг уюштириш қандай режалаштирилганлиги ҳақида маълумот берди. Шу комитетта иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларни, мухтор вилоятлар, округларни иккинчи ҳафтада иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссияси ҳамда меҳнат, нарх-наво ва иқтисодий сўбат масалалари комиссияси билан биргаликда мазкур масалани жумҳуриятларнинг Олий Советлари, мухтор вилоятлар ва округларнинг халқ депутатлари Советларида кўриб чиқиш натижаларини умумлаштириш, ўз тақлифлари ва ҳуқуқларини СССР Олий Совети сессиясига тақдим этиш топширилган.

Жамиятнинг беқарорлашувига чек қўйишга, зўравонлик ҳолатларининг пайини қирқишга ва фуқароларнинг ҳаётиёқлигини таъминлашга қаратилган ҳеч кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар муҳокама қилиниши, шу муносабат билан тегишли топшириқлар берилди.

СССР Олий Советининг қарорларини ижро этиш юзасидан мамлакатда валюта ва пул чиқариш сисъатини таҳлил этадиган гуруҳ тўзилди.

Мажлисада бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди. (ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР КЕНГАШИДА

СССР Министрлар Кенгашининг СССР Президенти топшириғига мувофиқ тўзилган оператив гуруҳи тамаки маҳсулотлари тақчиллигини қаматириш юзасидан шўшинч тадбирлар кўрмоқда. Мамлакатдаги барча тамаки фабрикалари ишта туширилди. Улар бир кеча-кундузда август ойида 880 миллион дона папирос ва сигарет чиқарган бўлсалар, ҳозир уни бир миллиондан 220 миллионга етказдилар. Яқин кунларда бир кеча-кундузда 1 миллиондан 300 миллион донага қадар папирос ва сигарет ишлаб чиқарилади.

Шу билан бирга хорижий мамлакатлардан сигаретлар харид қилишни ташлаштириш тадбирлари қўрилмоқда. Сентябрь ойининг ўн кунини ичида СССРга 3 миллиард донага яқин сигарет етказиб берилди. Бундан ташқари, 1990 йилнинг октябрга қадар яна қўшимча равишда 32 миллиард дона сигарет сотиб олиш ва етказиб бериш учун ҳам шартномалар тузилди.

Оператив гуруҳ қанд лавлагини қайта ишлашни жадаллаштиришга қаратилган бир қанча қарорларни ҳам қабул қилди. Сентябрь ойининг ўртадаги 190 дан ортиқ қанд-шакер заводлари ишта туширилди. Улар 2,8 миллион тонна лавлагини қайта ишлаб бердилар. Маъсум бошидан бери ишлаб чиқарилган шакар 245 минг тоннани ташкил этади.

Олий Совет комитетларида

Даста-даста хатлар, газета қирқимла-ри... Уларни ўқиб чиқиш учун бир ой вақт керак. Ҳа, бу ерда бир неча ойдан бўён хатларни, газета ва журналларда босилган мақолаларни қайта-қайта ўқиб чиқиш уларни тақослашяпти. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Конституцияларининг моддаларига қиёслашяпти. Айни пайтда улар яна бир ҳужжатга — «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасига таққосланмоқда.

Аниқроғи, ушбу ҳужжат иқтисодчи, ҳуқуқшўнос, ишлаб чиқариш ходими, ўй бекаси, деҳқон, талаба, дин арбоби, ишчи, молия ходими... ва бошқа касб эгалари хатлари ёки мақолаларида айтилган фикрлар ҳисо-

— Мен вақт ҳамма нарсани ўзгартириб юборайди, деган Шарқ халқларидан доно гапини эслабди ўтмоқчиман. Ҳозирги қақирқич парламент депутатлари ҳам кўп жиҳатдан ўзгариш. Эслаб кўринг — яқиндагина жумҳуриятда ҳар қандай қонун бир овоздан қабул қилинар эди. Агар муҳокама бошланса ҳам у қонунни қабул қилиш жараёнига қандайдир демократия тус бериш учун, яъни расмийлаштириш учун қилинар эди.

Эндиликда халқ депутатлари халқ олдидан ўз маъсулиятларини ва халқ билан масъулаштириш, унинг озу-умидлари билан қиёслаш заруратини чуқур ҳис эта бошладилар, бу эса қарорлар қабул қилиш воситасига ҳам таъсир қилди.

Ҳозир қонун лойиҳаси уни тузиш ва қараб чиқиш каби изчил босқичлардан ўтмоқда. Бунинг устига, қонун ҳужжатларини тайёрлашда депутатлар билан биргаликда меҳнаткашларнинг жуда кенг доираси қатнашмоқда. Бу янги даврнинг талаби эмас — биз қонуналар одамлар учун яратилишини биланмиз — бинобарин, қонунни тайёрлаётган одамлар билан масъулаштириш зарур эмас.

Масалан, «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашни бизнинг комитетини тўзган ишчи гуруҳи бошлади. Сўнгга олимлар, мутахассислар, барча манфаатдор идораларнинг вакиллари иштирокида лойиҳани уч марта муҳокама қилдик. Матбуотда босилган мақолалар, меҳнаткашларнинг хатлари диққат билан ўрганилди. Натигада лойиҳага тузатишлар, қўшимчалар, тақлифлар киритилди.

Лойиҳанинг тўртинчи тахрири комитет ва Олий Совет Президиумида кўриб чиқилгандан кейингина уни жумҳурият Олий Совети ёғи сессиясига тақдим этишни лозим топдик.

Сессия лойиҳани ҳар томонлама муҳокама қилиб,

бига бойиб бормоқда. Бу қонунийдир — чуқини, энг яхши, иш берадиган қонунлар жамоатчилик фикрини асосланади, халқ донолигиндан келиб чиқад.

Жумҳурият Олий Совети иқтисодий ислохот ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи Э. Н. Ҳўжаев «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрининг аҳамияти тўғрисида УЗАГ мухбири билан суҳбатда сўзлаб берди.

Биринчи масала — қонун лойиҳасини тайёрлаш воситалари ҳақида.

ли тоифаларга ажратиш мумкин эди. Лекин ҳар бир тақлиф ва мулоҳаза амалий аҳамиятга эга бўлиб, ҳаммаси қонунни тайёрлашда эътиборга олинади, бу ерда

ҚОНУНЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИШ

— Жамоатчилик қонунни тайёрлашда иштирок этишга тақлифни қандай кутиб олди?

— Жамоатчилик қонун кенг доираларини гражданилик жиҳатидан етуклигига, қайта қуриш тақдирини учун маъсулиятини ҳис этишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Жумҳурият, вилоят, шаҳар, район, тармоқ газеталарининг редакцияларида, бевосита комитетга келаятган хатлар, радио ва телевидение орқали билдирилган фикрлар, мунозаралар ва бу қонунни тайёрлашнинг энг тўғри ва самарали йўли эканлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Олинаётган хатларга қараганда лоқайди кишилар йўқ. Лойиҳадаги айрим қондаларни талқин этиш, ундаги моддаларни теранлаштириш ва ривожлантиришга доир қим-матли мулоҳазалар, тақлифлар, тавсиялар олинди.

— Лойиҳанинг қандай бўлишлари кўпроқ қизиқчи уйғотди?

— Бошқачароқ қилиб айтилик — бирорта бўлим, бирорта модала ҳам қўнғилил ёрдамчиларимиз эътиборидан четда қолмади.

Шу ўринда хатларда келтирилган тақлифларни уларнинг аҳамиятига қараб тур-

уларни мазмунига ва баён этиш шаклига қараб чеклаш мумкин эмас. Муайян шартларда ҳатто баён этиш услубий хусусиятлар ҳам мумкин аҳамиятга эга бўлади.

Қонунда эса икки хил талқин қилиш мумкин бўлган жумлаларга йўқ қўйилмайди — ҳамма нарсаси жуда аниқ ва равшан бўлиши керак.

Масалан, самарқандлик Б. Шодиев бундай деб ёзди: «Лойиҳани тузган кишилар мулкчиликнинг қолхоз шакли жамоа ёки ширкат мулкни билан ўхшаш деб, ўйласалар керак, бироқ қолхоз мулкчилигини ўз белгилари, ўзига ҳос жиҳатлари, муайян тарихи борки, у социалистик мулкчиликнинг шаклларида бири сифатида сақланиб қолади ҳамда ҳозирги иқтисодий ислохот шартларида янгича қиёфага киради».

Демак, гап тушунчанинг турли талқинларида эмас, балки мулкчиликнинг чинакам хилма-хиллигига қанолат бериш учун мулкчиликнинг ҳар бир шаклини узиш-кесил талқин қилиб бериш истиғи ҳақида бормоқда.

— Муҳокама қатнашчилари мулкчилик шаклларидаги хилма-хиллигига қандай қарамонқдалар?

килотми, бундан қатъи назар, ҳар бир корхонанинг ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллиги шарт қилиб қўйилмоқда.

Муҳокама қатнашчилари бир қанча ҳолларда ўз таърибларига таъйинлашди, ўз шахри ёки қишлоқнинг аҳтисига, ўларнинг соҳиблиги қилишга шахсан таърибларига асосланмоқдалар. Иштирокчи райондан уруш ветерани Р. Ташанов ҳусусий тегиримон ёки жувоз-и ҳа бўлиш мумкинми, деб сўрайди. Мумкин, деб жавоб қиламиз, албатта.

Айни пайтда одамлар бутун халқ тўғрисида, жумҳуриятнинг чинакам мустақиллиги ҳақида жон куйдиришмоқдалар. Тожик шаҳар Ақмал Икромов районидан 26 киши йўлҳадаги қонда «Жумҳурият ҳудудида жойлашган ер ва унинг бойликлари, ишлаб чиқариш ресурслари Ўзбекистон ССР халқларининг мулкидир» деб аниқ баён қилинишини тақлиф этишмоқда. Улар жумҳуриятдан таъширлар олиб чиқиб кетилган ва ҳозир марказий музейларда сақланаётган тарихий ҳақида маданий бойлиқларни Ўзбекистон ССР мулки деб эълон қилишни тақлиф этмоқдалар.

Сурхондарёлик П. Шоме-

тов ер ва табиат ресурсларида фойдаланиш чоғида Ўзбекистон ССРнинг марказга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлишини белгилаб қўйишни тақлиф этмоқда. У 24-модданинг 8-банди қуйидагича тахрирда баён қилиниши керак деб ҳисоблайди: «Ер ва бошқа табиат ресурсларида фойдаланиш масалаларида СССР билан Ўзбекистон ССР ўртасида чиқадиган низоларда мулк ҳуқуқий субъекти сифатида Ўзбекистон ССРга устун ҳуқуқ берилади».

Тожикентлик инженер Н. Турдиев халқ депутатларини валюта запаслари, олтин, жумҳуриятнинг табиий бойлиқларига мулкчилик ҳусусида РСФСР, Украина ва бошқа иттифоқдош жумҳуриятларнинг парламент аъзо-

нинг жумҳурият ташқарисиданги мулкка» деган янги моддани киритишни тавсия этади. Бу тақлиф Ўзбекистон ССРда президентлик ҳокимияти жорий этилиб, жумҳурият мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қабул қилингач, чет мамлакатлар билан бевосита иқтисодий ва сийсий алоқалар ўрнатилишини келиб чиқад.

Жумҳурият чет мамлакатларда муайян мулкка эга бўлган ўз ваколатхоналарини очади.

Қўпгина хатларда ердан фойдаланиш ҳусусида таъин билдирилган. Ерни умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш ва ҳатто самарали хўжалик юретиладиган кишиларга сотиш тақлиф этилади.

Б. Шодиев 6-моддани фер-

мумкин, Ўзбек оилаларининг қўнғилили сепаранд. Бундай хонадонларда рўзгор юритиш ва ердаги хўжаликни юритиш

ЯНГИЛИКЛАР

КЎЧА САЙЛИ

● Самарқанд вилояти, Нарпай ноҳиясидаги Ислон шoir номили совхозда бахши Ислон шoir Назар ўғли таваллудига бағишланган кўча сайли бўлиб ўтди.

Бу тадбир халқ сайиларида ўзининг бир қанча жиҳати билан ажралиб турди. Алшир Навоий, Усмон Носир, Рафур Гулом, Олмазор, Хамид Олимжон, Оригул, Дўстлик, Тинчлик, Гулистон, Маданият кўчаларида яшовчи аҳоли сайлини ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрди. Улар кўчаларни супуриб сийриштириш, ариқларни тозалашди, деворларни оқлашди, дов-дархатларга шакл берди.

Совхоз марказидаги Ислон шoir хайкали ўрнатилган майдонда катта шодлиқна бошланди. Район партия комитети биринчи котиби Н. Тошматов сайлини очди. Ислон шoirнинг шoirи Садулла бахши «Алтомшир» дostonидан парчалар айтди. Ислон шoirнинг зурёди Зиёдилла бахши ўзи яратган термаларни ижро этди. Сайл чоғида кишилар ўзлари тайёрлаб келган ноз-неъматлар дастурхонга тўкилди, ўйин-кулиг авжга чиқди.

Н. ПАРДАЕВ.

ФОНДАЛИ САФАР

● Бухоролик бинокерлардан бир гуруҳи Украинанинг Закарпатье вилоятига сафар қилишди.

Бу сафardan кўзда тутилган мақсад қурилиш маҳсулотларидан ҳисобланган черепица ишлаб чиқаришни ўрганишдан иборат эди. Маълумки, бундай қурилиш маҳсулотларини Хуст ва Вариев районларининг марказларида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бухороликлар Вариевда бўлишди. Меҳмонлар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишдилар. Александр Бак ва Бейло Ореймус каби мутахассислар билан мулоқотда бўлишди. Қурилиш шартномаси асосида меҳмонларга ишлаб чиқариш агрегати берилган бўлди.

С. РОМАНЕНКО.

ЭЛ ТАШВИШИДА


Андижон вилояти, Шарофиддин Камоловни Москва ноҳияси марказий шифохонасида эмас, балки вилоятда ҳам ҳурмат билан тилга олишди. У тажрибали тиббиётчи бўлиш билан бирга жонқуяр жамоатчи ҳамдир. Шунинг учун 156-Холдеевбек сайлов округининг Шарофиддин Камоловни Ўзбекистон ССР халқ депутати этиб сайлашди. Депутатлик унинг зиммасига янада катта масъулият юкляди. Марказий шифо-

хонада бош врач ўринбосари. Беморлар ҳаммаша унинг ҳузурига дордларига шифо истаб келсалар, сайловчилар эса ҳал қилмаётган ишларига ёрдам беришини сўраб таъшир буюрадилар. Ана шундай кезлари ширинсўз шифокор бемор қалбига йўл топишга, дордан фориб бўлишига кўмаклашди, нақазларни бажаришга астойдил бел боғлашди. Бугунги пахта йиғим-терими авж олган ойлarda шифокорни деҳқонлар дав-

расида учратасиз. Меҳнат қилган элде азиз, деган жуда ҳикматли гап бор. Зеро, унинг машаққатли меҳнати ҳам муносиб тақдирланди. Халқлар дўстлиги ордени соҳиб, СССР соғлиқни сақлаш аълоскири Ш. Камолов ҳаммаша эл ташвишида.

Суратда: Шарофиддин Камолов сайловчилар билан навбатдаги нақаз устида суҳбатлашмоқда.

Т. Ҳамроқулов сурати.



ЖУРАВОШИ — Ассалому алайкум, журалири! Мухтарам махфил аҳли, ушбу кунларда ҳаммамизнинг оғзидан «партия», «ҳизб» ва «фирқа» сўзлари, Шу баҳона бўлган ҳаётнинг «партия» сўзининг маъноларини аниқлашдан бошлаймиз. Домла, сўз сизга!

ДОМЛА — «Партия» сўзи асли юнонча бўлиб, унинг луғавий маъноси бўлак ва гуруҳдир, у Ғарб тилида бўлиниш натижасида вужудга келган. Бирор умумийликка эга бўлган гуруҳни ва кўпнинг айрим бўлагини билдиради. Шу жиҳатдан «партия» сўзи ҳизб (ҳамфир, ҳаммаслак ва мақсаддош жамоа) «жамоа» ва «тўп» сўзларига муодилдир. «Партия» сўзи ўзбек тилига рус тилидан, рус тилига эса француз тилидан ўтган. Бу сўзнинг энг машҳур маъноси унинг сиёсий ташкилотни билдиришидир. «Партия» деб аталган сиёсий ташкилот бирор табақа, масала, ё синфнинг фаол уюшмаси бўлиб, у ўз гуруҳи манфаати йўлида сиёсий кураш олиб боради. Шу маънодаги «партия» сўзи ўзбекчага «фирқа» деб таржима қилинади ва таржима қилинмасдан ҳам ишлатилади. Араб ва форс тиларига «ҳизб» деб ағдарилади. Бошқа маънодаги «партия» сўзи ўзбекчада ҳам «ҳизб» дейилган.

Яна «партия» сўзи манфаатдорлик жиҳатидан ҳосил бўлган гуруҳларнинг ҳар бирига нисбатан ҳам ишлатилади. Масалан, бу сўзни Лев Толстой ўзининг «Уруш ва тинчлик» асарида армия штабидидаги фуқароларга нисбатан, Чернишевский ўзининг бир асарида адабий гуруҳга нисбатан қўллаган. Бу маънодаги «партия» сўзи ҳозирги рус тилида ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида эса қўлланмайдиган. Бу ҳолда ўзбекчада «фирқа», «гуруҳ», «тойфа», ва «зумра» каби сўзлар истеъмол қилинади.

Яна «партия» сўзи бирор соҳада иш, вазифасига кўра бўлиган гуруҳларнинг ҳар бирига нисбатан ҳам

қўлланади. Масалан, геология, яъни ершунослик соҳасида маъданларни излаб топувчилар бор ва топилмаган лаборатория, яъни санохонада текширувчилар бор. Қидирувчилар гуруҳи «разведочная партия», тадқиқотчилар гуруҳи «исследовательская партия» дейилади. Бу ҳолда «партия» сўзи ўзбек тилидаги «даста» сўзига муодилдир.

Ўйинчиларнинг ўзига нисбатан ҳам қўлланади. Масалан, «он составил партию» деган ибора «у ўйинчиларни йиғди» ёки «ўйинда иштирок этди» деб тушунилади. Бу ҳолда ўзбекчада «ҳариф» «тарваф» ва «ўйинчилар» ёки «давра» сўзлари истеъмол қилинади.

ЖУРАВОШИ — Энди сўз олу жавобларга рухсат! САВОЛ — Журавоши, би-

БИР СЎЗДА ТУРЛИ МАЪНО

Яна «партия» сўзи буюмнинг бир марта ишлаб чиқариш, сотиш, жўнатишга мўлжалланган миқдорини ҳам билдиради. Бунда ўзбек тилида «тўп» сўзи ишлатилади. Масалан русчада «получена новая партия товаров» дейилса ўзбекчада «молнинг янги тўпи келди» дейилади.

Театр соҳасида «партия» сўзи кўповозили томошалардаги, ўйин, ашула ва куйларнинг бир иккунчи ёки бир чолғучига тегишли қисмини билдиради. Шундай қисмларнинг йиғиндиси «партитура» деб аталади. «Партия» ва «партитура» тегишли қисм ва қисмлар йиғиндиси-нинг нотасига ҳам қўлланади. Бу маънодаги «партия» сўзи ўзбекчага ўрнига қараб «хонини», «қуй», «ўйин», «қисм» ёки «қитъа» ёхуд «парча» деб таржима қилинади.

Яна «партия» сўзи шатранж, нард, пашка каби ўйинларнинг бир ўйинини билдиради. Бунда у ўзбекчада «қур» сўзига тўғри келади. Бу маънода ўзбеклар шеваларида «қул» ва «ўйин» сўзлари ҳам қўлланади.

Рус тилида «партия» сўзи

ринчи сўроқ ўзингизга. Ненга «савол» сўзини «суол» шаклида ишлатдингиз?

ЖУРАВОШИ — Чунки, ҳозир биз «савол» шаклида ишлатётган сўзларимизнинг асли «суол»дир. Лутфий, Навоий ва Отаҳий каби шокирларимиз «савол» эмас, «суол» деганлар, Шунинг жўраларимизга билдириб қўйиш учун атай шу шаклни тилга олдим.

САВОЛ — «Химоя кўз-ойнаги» дейиш тўғрими?

ЖАВОБ — Тўғри эмас. «Химоя кўз-ойнаги» деган иборда иккита нуқсон бор. Биринчиси шунки, «кўз-ойнак» сўзи адабий эмас, омиёнадур. Бу қизилдоқни «ло-лакизгалдоқ», ўртача «ур-тамеяна» деганга ўхшатадир. Аммо бу ўринда ишлатиб, «кўз-ойнак» дейишга «айнак» сўзини «ойна» сўзидан фарқламаслик сабаб бўлган. Адабий тилда кўзга тақилдигани «айнак» ёки «кўз-ойна» ёки «кўзлик» дейилади. «Айна» — «кўз» дегани «-ак» кичрайтиш қўшимчаси. Баъзи тилларда кичрайтириш қўшимчаси буюм маъносини ҳам беради. Шунга биноан луғавий маъноси «кўзча»

бўлган «айнак» сўзи «кўз буюми» деган маънода ҳам қўлланади. Бу ҳолда биз рус тилида ҳам кўраимиз. «Очи» қўллар дегани. Кўзлик маъносидан ишлатилдиган «очки» сўзининг луғавий маъноси эса «кўзчалар»дир. «Химоя кўз-ойнаги» деган иккинчи камчилик шунки, бу ҳолда ўзбек тилида «химоя» сўзи эмас, ранг билдирувчи сўзлар қўлланади, яъни «қора айнак» ёки «кўк айнак» дейилади. Рангдани оч-тўқилик сўзга акс эттирilmayди.

САВОЛ — Ҳозир айнакнинг ранги ўзгариб турадиган янги тури чиққан. Бунга русчада «хамелеон» яъни буқаламун номи берилган. Бунинг ўзбекча қандай аташ мумкин?

ЖАВОБ — Еруғлик камчайган сари айнак рангининг ўчишини назарга олиб, уни «рангпар айнак» дейишимиз мумкин.

САВОЛ — «Ургу» сўзини нотиқ ўз сўзида «Фалон масалага ургу берди» деб ишлатиш асослими?

ЖАВОБ — «Ургу» сўзини бу тарзда истеъмол қилиш асоссиз ва нотўғридир. Бундай ҳолларда «таъкид», «аҳамият», «эътибор», каби сўзлардан фойдаланиш маъқулроқдир.

САВОЛ — «Спрут» нима дегани?

ЖАВОБ — Танасининг асосий қисми халтасимон ва саккизта ичаксимон тутқичи бўлган «денгиз ҳайвонини» русчада «спрут» ёки «осьми-ног» дейилади. Ўзбек ва тожик тилларида бу ҳайвон луғавий маъноси «ичак-оёқ» бўлган «рудапо» сўзи билан аталади. «Рудапо» рус тилида таржима қилинган баъзи китобларда «саккизоёқ» деб берилган. Бу «осьми-ног» сўзининг нотўғри таржимасидан иборат.

ЖУРАВОШИ — Азиз журалар, шу ерда суҳбатимизни тўхтатимиз. Вассалом.

Алибек РУСТАМОВ, филология фанлари доктори.

Мухаррир
Р. РАҲМОНОВ.

МЕҲРУ ОҚИБАТ ЯХШИДҲУР

Халқимизда «Маҳаллада бош кўтара олмай қолдим», «Маҳалла нима деркин?», «Ҳовли оқиб қўшни ол» деган ажойиб гаплар борким, бу гаплар маҳаллачиллик ва қўшничиликнинг қадрияти нақадар улканлигини кўрсатиб турибди. Аммо биз турмушнинг бу жабҳасига эътиборни қаматириб юбордик. Натижада айримлар маҳалла-қўйдан, қўшнларидан андиша қилмайдиган бўлиб қолди. Қўшничилик муносабатлари сусайиб кетди. Ваҳолонки, маҳалла бизнинг уйимиз, турмуш-турмушимизнинг ибодаси. Маҳалла, яъни жамоатчилик фикри жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шу хил қадриятларимизнинг қайта тикланаётганлиги, маҳалла уюшмаларига эътибор қилинаётганлиги турмушимизга қўтаришчилик бахш этмоқда.

Маҳалламиз шаҳардаги энг катта турар-жой масканларидан ҳисобланади. Унинг ҳудудига 14 та кўча ва 1200 ҳовли бор. Тўрт минг киши истиқомат қилади. Дарвоқе, байналмилал масалада ҳам мақтанасан арийди: бу ерда 18 миллат вакиллари ияроқ турмуш кечиряпти. 1979 йилда ҳашар йўли билан қурилган чойхона ва клубимиз эса жамини эгуи ишларнинг, ҳаракатларнинг марказига айлانган.

Маҳалламизда асосан «Қасрий дивангел», «8-Март» шойи тўғриси қорхоналарининг ишчилари яшади. Биз бу завод ва фабрикалар матмурияти билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Улар чойхонада учрашувлар, суҳбатлар ўтказишади. «Қасрий дивангел» заводи директори А. Тўхтамурадов айнан бизнинг маҳалладан вилот Кенгаши депутатлигига сайланган. У клубимиз ёнида маҳалла мизга қўшимча бино қуриб бериш учун югуриб юрибди.

Юқорида айтганимдек, маҳалла энг аввало кишилардаги энг юксак инсоний фазилатларни муассамлаштирувчи, одамлардаги меҳру оқибатни мустақамловчи ижтимоий кучдир. Мен бу фикримни айрим мисоллар билан исботламоқчиман. Белинсий кўчасида яшовчи Сатторовлар оиласидан барака қочди. Эру хотини арзимаган нарса устида уришиб,

ажралишгача боришди. Энг ёмони шунданки, айрим қариндошлари уларни бир-бирига тезлашди ҳам. Ойлада эса уч бола бор. Охири ара-лашмишга мажбур бўлдик. Маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси Иброҳим Холмуродов, хотин-қизлар кенгаши раиси Гулсара Мухсинова фаоллар билан бирга тинчи бузилган оилага ёрдамга боришди. Турли йўллар билан таъсир ўтказдик. Натижада оилани тарқалиб кетишдан сақлаб қолдик. Ҳозир Сатторовлар турмушдан миннатдор бўлиб яшашапти. Уларнинг хурсандчилигини кўриб ўзимиз ҳам қувонамиз.

Эндиғина турмуш қурган Қурбоновлар оиласида ҳам арзимаган баҳона билан гап қочди. Келишмовчилик тарақлишгача, маҳалла ара-лашди. Бояги йўл билан

Жамоатчи-фахрли ном

уларни ҳам яраштириб қўйдик. Мен яраштириб деган эру хотиннинг бошини силаб қўйишни эмас, улар мақдони моҳиятини турли йўллар билан тушутиришни назарда тутяман.

Ҳа, одамлардаги ўзаро муносабатларни мустақамлашдан ортқ савоб иш йўқ. Қани энди маҳалларнинг ҳаммаси ҳақиқий одамийлик мактабига айлansa. Менимча, бу олиб бораётган ташкилий-тарбиявий ишларнинг самарасига боғлиқ.

Қўртмуллаев Рустам деган йигит ўрта мактабни битиргач, ёмон болаларга қўшилиб, кўпчиликнинг жонига тега бошлади. Ота-онаси ҳеч иложини қила олмади. Охири маҳалла аралашди, милицияни чақирди. Оқсоқоллар танбех беришди. Шу маҳаллада юриб яшагандан кейин гапимизга кирмай қаргга борарди. Кўп ўтмай Рустам одамхон бўлди-қўйди. Ҳаммасидан ота-онасининг қувонганини айтмайсизми. Ҳозир у автобуссизда ишлайди. Яқинда биносидек тўй бериб уйланди. Энг муҳими, Рустам ҳам, унинг ота-онаси

ҳам маҳалла фаолларининг аралашуви, танбехини тўғри қабул қилдилар.

Маҳалламизда Маҳмуд ака деган ажойиб киши бор. Хотини Бону билан бирга «Қасрий дивангел» заводида ишлайди. Уларнинг Баҳром исмли ўғиллари анча шўх чиқди. На отасининг, на онасининг айтганини қилади. Қўшниларни ҳам безовта қилди. Натижада фаолларимизни ишга солдик. Кўп ўтмай Баҳромда ўзгартиш сезилди. Ҳозир у ота-онаси ёнида меҳнат қилмоқда. Умуман Ризо Назаров, Имомқул Хусенов, Қозим Ҳасанов сингари оқсоқолларимизнинг доно ўғиллари, маслаҳатлари ёшларгагина эмас, катта ёшдаги кишиларга ҳам турмушда ўз йўлини топишда ёрдам бермоқда. Дарвоқе, худди маҳалламиз сингари комитетимиз ҳам байналмилал тарзда сайланган. Шу боисдан олиб бораётган ишчимизда ўзаро инсоний муносабатларни мустақамлаш асосий ўринни эгаллайди.

Байрам кунлари бева-бечораларни йўлаш бизда одат тусига кирган. Бундан ташқари ҳар йили филтр рўза йиғиб, моддий жиҳатдан қийналган оилаларга бериб борамиз. Хўш, бундай хайрияларнинг нимаси ёмон экан?

Тўй-маъракалар одамнинг қилмигини кўрсатадиган тадбир. Биз бундай қадриятларимизнинг бузилиб, айниб кетишига йўл қўймаймиз. Тўйларни ихчам, камчилик, қизиларли қилиб ўтказиш чораларини қўраимиз. Мисол учун никоҳ тўйининг талбон, яъни кўёв қақирди қисмини спиртли ичимликсиз, битта ол билан ўтказамиз. Оқсоқол қақирди, нон синдириш, фотиҳа ҳам бир кунда бўлади.

Хуллас, маҳалла — жамиятнинг бир бўлаги. Шу боисдан, унинг ҳар қандай дабдабалардан, салбий ҳаракатлардан холи бўлишини истаимиз. Фаолларимиз ана шу мақсад билан маҳалла-дошларимиз ўртасида ташкилий тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар.

Яқё МУРТАЗОВЕ, Самарқанд шаҳри, Богшамол ноҳиясидаги Сайид маҳалла комитетининг раиси.

Реклама ва эълонлар

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТГА! «УЗАВТОРЕМОНТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИРЛАШМАННИНГ АВТОРЕМОНТ ЗАВОДЛАРИ АВТОМОБИЛЛАР ВА АГРЕГАТЛАРНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ УЧУН 1991 ВА КЕЙИНГИ ИЙЛАРГА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«ЗИЛ-130», «ЛА3-895», «УРАЛ-375», «ГА3-53», «ПА3-672», «ГА3-52», КП «ЗИЛ-130», «ГА3-53», «ГМП» — двигателлари — 1-ТОШКЕНТ АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ (700005, Тошкент шаҳри, 8-Март кўчаси, 57-уй, телефон 93-03-37);

«ЛА3-895», «ЛИАЗ-877», «ПА3-672», «ИКАРУС-255, 260» автобуслари — 2-ТОШКЕНТ АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ (702050, Тошкент вилояти, Калинин ноҳияси, Хонобод қишлоғи, Транспортная кўчаси, 53-уй, телефон 90-33-85).

«МАП-500, 503, 504» автомобиллари; «ЯМЗ-236», «ЯМЗ-238», «РАВАМАН» двигателлари — 4-ОЛМАЛИҚ АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ (702400, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Октябрь майдони, 22-уй, телефон 54-924);

«ГА3-24» автомобиллари; «ГА3-24»; «КПП» двигателлари; олд ва орқа кўприклар — ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, 5-ОЛМАЗОР АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ (702850, Тошкент вилояти, Олмазор қишлоғи, Самарқанд кўчаси, 6-уй, телефон 32-304);

«ЗИЛ-130», «ЗИЛ-ММ3-555, 4502, 45021», «КА3-608» автомобиллари; «ЗИЛ-157 Д» двигателлари — 6-ЛЕНИНСК АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ, Ленинск шаҳри, Крупская кўчаси, 57-уй, телефон 2-23-77;

«ГА3-52», «ГА3-53» автомобиллари; «ГА3-52», «ГА3-53», «ЗИЛ-130» двигателлари — 13-ХИВА АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ (741415, Хоразм вилояти, «Саёт» қишлоғи совети, телефон 5-36-90);

«ЗИЛ-130», «ЗИЛ-ММ3-555»; 4502, «ГА3-53» автомобиллари; «ЗИЛ-130», «ГА3-53» двигателлари — 16-НУКУС АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ (742000, ҚАССР, Нукус шаҳри, Ленин шохқўчаси, 167-уй, телефон 4-16-08).

Қўйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700005, Тошкент шаҳри, 8-Март кўчаси, 57-уй, Телефон. 91-15-48.

Совет хайрия ва саломатлик жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими қошида ташкил этилган «ОНА ВА ФАРЗАНД» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Жумҳуриятимизда оналар ва болалар бегоблиги ва ўлимини қаматириш ниятида моддий ёрдам берувчи

ҲОМИЛАРНИ ИЗЛАЙДИ

«ОНА ВА ФАРЗАНД» бирлашмаси қорхона ва муассасалар билан оналар ва болалар танасига таъсир ўтказувчи тиббий-биологик, санитария-гигиена оми-ларини ўрганиш ва улар са-ломатлигини яхшилаш ре-жаларини ишлаб чиқиш мақсадида шартнома тузиш-га тайёр.

«ОНА ВА ФАРЗАНД» бирлашмаси тиббиёт муас-сасалари ва аҳоли учун она сўти сифатини пулга аниқ-лаб бериш мумкин.

Манзиллими: 700000, Тошкент шаҳри, 1-Ульянов-ский переулги, 18-уй. Телес-фон: 68-46-69.

Ф. ХҲҲАЕВ НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ишлаб чиқаришдан ажрал-ган ва ажралмаган ҳол-да ўқиш учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР ВУЗИЧА АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СССР халқлари адаби-ети (совет даври), СССР халқлари тиллари, фоль-клоршунослик, СССР халқ-лари адабиёти.

Ҳужжатлар 1 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 705028, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон 40 йил-лиги кўчаси, 11, 206-хона, билим бўлими, телефон: 3-23-12.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — Тошкентда биринчи мар-та «ПЕНЬЯН—90». Цирк санъатининг барча жанрла-ридан иборат катта ранг-ба-ранг дастур.

Тошкент давлат цирки-да — Тошкентда биринчи мар-та «ПЕНЬЯН—90». Цирк санъатининг барча жанрла-ридан иборат катта ранг-ба-ранг дастур.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон ССРдан таш-қарига озиқ-овқат моллари-ни жўнатиш бобидаги таъ-қиқлашлар муносабати билан

ТАҚИҚ РЎҲАТИДА КЎЗДА ТУТИЛМАГАН САНОАТ МОЛЛАРИ

қўйидаги шаҳарларга ҳаво транспортда ташин учун чекланмаган миқдорда

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Свердловск, Қубишев, Пермь, Ростов, Краснодар, Минерал Сувар, Тюмень, Олмаота, Душанба, Новосибирск, Москва, Ленинград (Свердловск орқали), Тбили-си, Кемерово, Новокузнецк, Владивосток, Сочи, Симфе-рополь, Андижон, Қарши, Нукус, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Чимкент, Қозон, Уфа.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 91-02-70, 55-48-95.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

«Биолог» илмий ишлаб чиқариш би-рлашмасининг

ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

пахта толаси ривожлани-шини ўрганиш лаборатория-сига кичик илмий ходим лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мuddати эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Манзилхоҳимиз: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Ҳужаев кўчаси 28-уй. «Биолог» ил-мий ишлаб чиқариш би-рлашмаси.

ТЕАТР

Навоий номидаги ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IX да Гоф-ман эртанлари, 19/IX да Мас-харабодлар, 20/IX да Иоланта.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IX да Намот истаб, 19/IX да Аял мезони, 20/IX да Жар.

МУҚИМИЯ НОМИДАГИ ЎЗ-БЕК ДАВЛАТ МУСИКАЛИ ТЕ-АТРИДА — 19/IX да